

Космик кема орбитада ўз ҳаракатини давом эттирмоқда

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ,
МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

7-ИЛ ЧИКИШИ

№ 166 (1686)

21

АВГУСТ

ЯКШАНБА

1960 ЙИЛ

БАҲОСИ
20 ТИНИН.

Доғистон меҳнаткашларига табриклар

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети КПСС Доғистон область комитети, республика Олий Совети ва Министрлар Советига табрикнома юбордилар. Улар бу табрикномада Доғистон АССР меҳнаткашларини Доғистонда Совет ҳокимияти талабсининг 40 йиллиги билан қизғин табрикладилар ва Доғистон халқининг бундан буён ҳам гуллаб яшашини, Совет Ватанининг бахт-садати йўлидаги меҳнатларида андиған-янги муваффақиятларга эришувларини тиладилар.

КПСС Марказий Комитетининг РСФСР бюроси, Россия Федерацияси Олий Совети Президиуми ва РСФСР Министрлар Совети КПСС Доғистон область комитети, Доғистон АССР Олий Совети ва Министрлар Совети номига юборган табрикда республика ҳаётидаги шонли кун муносабати билан ишчиларни, кўххозчиларни ва элбидиларни табрикладилар ҳамда уларнинг коммунистик қурилишда янгида-янги муваффақиятларга эришувларини тиладилар. (ТАСС).

Америка жосус учувчиси Френсис Г. Пауэрснинг жиноий иши юзасидан СУД ПРОЦЕССИ ҲУКУМ

ССР Иттифоқи Олий судининг раислик қилувчи — Ҳарбий коллегия раиси юстиция генерал-лейтенанти В. В. Борисоглебский ва халқ маслаҳатчилари — артеллерия генерал-майори Д. З. Воробьев, авиация генерал-майори А. И. Захаров, секретарь маъмурий — хизмат майори М. В. Афанасьевлардан иборат осптадаги Ҳарбий коллегияси Давлат қораловчиси ССР Иттифоқи Бош прокурори, ҳақиқий давлат юстиция маслаҳатчиси Р. А. Руденко ва ҳимоячи — Москва шаҳар адвокатлар коллегиясининг аъзоси адвокат М. И. Гриневлар иштирокида Москва шаҳрида 1960 йил 17 — 19 августда ўтказилган очиқ суд мажлисида Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи номидан Америка Қўшма Штатлари граждани — Френсис Гарри Пауэрсни ССР Иттифоқи «Давлатга қарши жиноятлар учун жиноий жавобгарлик тўғрисида»ги Қонунининг 2-моддасига мувофиқ айблов ишлари қараб чиқди. Френсис Гарри Пауэрс 1929 йилда туғилган, Кентуккаи штатидаги Бурлайна шаҳрининг фуқароси, олий маълумоти, Америка Қўшма Штатлари Марказий разведка бошқармасига қарашли «10—10» махсус разведка бўлимининг учувчиси.

Суд мажлисида қараб чиқилган иш материаллари билан қўйилганлар аниқланди: 1960 йил биринчи май куни Москва вақти билан соат 5-36 минутда Совет Иттифоқининг ҳаво ҳужумига қарши мудофаа қилувчи Ҳарбий қисми Тожикистон ССРнинг Кировабод шаҳри районида граждани авиацияси самолётлари қўтарила олмай-диган 20000 метр баландликда ССР Иттифоқининг давлат чегарасини бузиб ўтган помалум самолётни қўриб қолди.

Мамлакатнинг ҳаво ҳужумига қарши мудофаа қилувчи Ҳарбий қисмлари йирик саноат марказлари ва муҳим мудофаа объектлари устидан учган самолётнинг ҳаракатларини хушёрлик билан кузатиб туришлар. Чегарани бузиб ўтган самолёт Совет Иттифоқи доирасида 2.000 километр ичкарига кирган вақтда, термо-ядро кўрсаткичларида умумий тинчлик иши учун ҳалокатли оқибатлар кел-

тирилган ана шу учининг ёмон ният билан қасдан қилинганлиги таъминла аён бўлиб қолганидан кейин Совет ҳукуматининг буйруғига мувофиқ зенит ракеталари батареяси соат 8-55 минутда Свердловск шаҳри районида агрессор самолётни уриб туширди.

Самолётнинг учувчиси парашют билан ўзини ташлади ва ерга қўниш пайтида ушлаб олинди. У сўроқ вақтида ўзини Америка Қўшма Штатлари граждани Френсис Гарри Пауэрс деб атади.

Уриб туширилган самолётнинг қолдиқларини қўзда кечириш бўли билан бу самолётнинг Америкада ишлаб чиқарилганлиги, жуда баландликда учиб юрганлиги, таъминоти ва жосуслик — разведка тошчиқларини бажариш учун турли аппаратлар билан таъминланганлиги аниқланди.

Шу муносабат билан учувчи Пауэрс қамолқа олинди ва Совет Иттифоқига қарши жосуслик қилишда айбонлиб жиноий жавобгарликка тортилди.

Судланувчи Пауэрс, суд мажлисида ўзининг жосуслик ишлари тўғрисида ва 1960 йил биринчи май куни СССРнинг ҳаво масофаларига бостириб кириш билан боғлиқ бўлган ҳолатлар тўғрисида батафсил гапириб берди.

Пауэрс 1950 йилда Америка авиациясига қўнғилди бўлиб кирган, Ҳарбий ҳаво кучлари мактабининг таъминлаган, Америка Қўшма Штатларининг турли Ҳарбий-ҳаво базаларида учувчи бўлиб хизмат қилган, унинг Ҳарбий уювони старший лейтенант бўлган.

Пауэрс 1956 йил апрель ойида жуда баланд учадиган самолётларда махсус разведка тошчиқларини бажариш учун Америка Қўшма Штатлари, Марказий разведка бошқармаси томонидан жосусликка тортилган.

Пауэрс Америка Қўшма Штатларининг Марказий разведка бошқармаси билан икки йилга махфий шартнома тузганидан кейин унга жосуслик фаолияти учун жуда катта

маош — ойига 2.500 доллар маош белгиланган, У, махсус тайёргарликдан ўтган ва Адам шаҳри (Туркия) ақинида бўлган Инжирликдаги Америка-Туркия Ҳарбий базасида жойлашган «10 — 10» шифрли шартли ном билан аталган разведкачи авиация бўлимасига юборилган.

Суд шунини аниқладики, «10—10» бўлимаси Америка Қўшма Штатларининг Ҳарбий ва граждани разведкаларининг махсус комбинациясидан иборат бўлган ва совет-ҳаво масофаларига юборилган разведкачи ҳаво самолётлари билан ССР Иттифоқига қарши жосуслик қилиш учун мўлжалланган.

Пауэрс 1956 йилдан бошлаб «10—10» бўлимаси командирининг тошчиқларига мувофиқ, Совет Иттифоқининг Туркия, Эрон ва Афғонистон билан чегаралаш жойлари бўлиб, систематик равишда жосуслик мақсадига учиб юрган. Пауэрс 1953 йил май ойида Америка Қўшма Штатлари, Марказий разведка бошқармаси билан махфий шартнома муҳлатини икки йилга узайтирган ва 1960 йилнинг январь ойида ана бир йилга узайтирган.

Ишга доир материаллар, судланувчи Пауэрснинг сўроқда айтган гаплари билан унинг 1960 йил биринчи май куни Совет Иттифоқи ҳаво масофаларига жиноий бостириб кириш шундан анча вақт илгари пухта тайёргарлик билан аниқланди.

Пауэрс 1960 йил 27 апрелда «10—10» бўлимасининг командирини, Америка полковниги Шелтон билан «У—2» самолётини учиратиш тайёргарлик учун тайинланган техника ходимлари гуруҳи билан бирга, да Америка Қўшма Штатлари Ҳарбий-ҳаво кучларининг транспорт самолётини Инжирлик базасидан Покистондаги Пешовар аэродромига келтирилган.

Шу йил 30 апрелда бошқа бир учувчи «У—2» самолётини Туркиядан шу аэродромага учуриб келтирган. Пауэрс «У—2» самолётида Совет Иттифоқининг ҳаво масофаларига бостириб кириши керак эди.

1960 йил биринчи майга ўтар кечаси полковник Шелтон Пауэрсга 20.000 метр баландликда Пешовар, Орол денгизи, Свердловск, Киров, Архангельск, Мурманск маршрути бўйича Совет Иттифоқи территорияси устидан учиб ўтиш ва Норвегиядаги Буа аэродромига қўниш ҳақида тошчиқ берган. Пауэрс Буа аэродроми билан 1958 йилдаёқ таъиниш чиққан.

Шелтоннинг тошчиқига мувофиқ, Пауэрс совет ери устидан учганида аэрофотосъёмка ўтказиш ва ССР Иттифоқи ҳаво ҳужумига қарши мудофаа радиолокация станцияларининг ишларини қайд қилиш учун муайян пунктларда махсус аппаратни ишга солиши керак эди. Пауэрс икки пунктта алоҳида эйтиб бериши керак эди, Америка разведкаси ана шу пунктларнинг бирида ракетага учурилган майдончалар бор деб, иккинчи пунктда аса жуда муҳим мудофаа объекти жойлашган деб фараз қилган.

Судланувчининг ишга тиркалган ашёвий далиллари билан Пауэрс ўзига берилган жиноий тошчиқларини бажарганини аниқлади.

Пауэрс Покистондаги Пешовар аэродромидан парвоз қилиб, Афғонистон территорияси устидан учиб ўтган ва ўзига берилган маршрут бўйича Совет Иттифоқи территорияси устидан 2.000 километрдан кўпроқ масофани босиб ўтган. Пауэрснинг сўроқдаги гаплардан ташқари «У—2» самолётининг қолдиқларида тошланган ва сузга таъдид этилган ҳамда «10—10» бўлимасининг штурмани майор Дулак томонидан маршрут ёзиб берилган ва Пауэрснинг ёзуви ва белгилари бўлган америка учини картаси бунини исбот этади.

Пауэрс самолётда учган вақтда ўзи қўздан кечирган ССР Иттифоқининг бир қанча муҳим мудофаа объектларини ана шу маршрут картасига ёзиб, белги қўй берган.

Пауэрс самолёт уриб туширилганига қадар бутун учини давомда махсус разведка аппаратурини ишлаб турган, муҳим мудофаа объектларини фотосуратла олган ва мамлакатнинг ҳаво ҳужумига қарши мудофаа воситалари радиолокация установакалари сигналларини ёзиб берган. (ДАВОМИ ИННИНЧИ БЕТДА)

ТАСС АХБОРОТИ

Йўлдош-нема белгиланган орбитада ўз ҳаракатини давом эттириб, 20 август Москва вақти билан эрталаб соат 10-30 минутга қадар Ер атрофини 16 марта айланиб чиқди. Қўшимча суратда олинган телеметрик маълумотлар немага ўрнатилган аппаратларнинг ҳаммаси нормал ишлаётганлигидан далолат беради.

Йўлдош-неманинг кабинасида ҳайвонларнинг ҳаёт фаолияти учун зарур бўлган шароит муттасил сақланмоқда.

Ҳайвонларнинг аҳоли қонқарлиги. Учинининг унинг саатида «Стрелка»

лақабли итнинг томир уриши минутага 106 марта, нафас олиши 30 марта бўлди. «Белка» лақабли итнинг томир уриши 120 марта, нафас олиши 40 марта бўлди.

Ҳайвонларнинг аҳоли телеметрик йўл билан систематик кузатилиб, улар киноплёнкага суратга олинмоқда. Киноназорлар айрим пайтларда ҳайвонларнинг ҳаракат активлиги кучайиб турганлигини кўрсатади.

Кейинги маълумотларга кўра, йўлдошнинг Ер атрофидан айланиш даври 90,72 минутни ташкил қилади, орбитанинг Ер юзасидан минимал

баландлиги 306 километр, максимал баландлиги 339 километрга барабар. Ҳаво қаршилиги натижасида айланиш даври бир кеча—кундузда 0,003 минут камаймоқда. Орбита текислигининг энваторга нисбатан оғиши 64 градус 57,3 минут бўлганлиги аниқланди.

Ер устидagi автоматик ўлчов воситаларининг ҳаммаси нормал ишламоқда. Жуда кўп ўлчов маълумотлари олинди, бу маълумотлар асосида электрон-хисоблаш машиналарида йўлдош орбитасининг параметрлари тўхтовсиз аниқланмоқда. (ТАСС).

Иккинчи совет космик йўлдош-кемасининг ҳаракати тўғрисида

Йўлдош-неманинг бортдан юборилган телеметрик информацияни дастлабки ишлаб чиқиш маълумотларига кўра, немага ўрнатилган аппаратлар нормал ишламоқда. Йўлдошга ўрнатилган «Сигнал» пердатчининг сигналларини ердаги жуда кўп қабул қилиш пунктлари томонидан ишонч билан қабул қилиб олинмоқда.

Кабинадаги ҳаво босими ва температура, шунингдек унинг состави ва намлиги белгиланган нормалар доирасида сақланмоқда. Бутун учини давомда кабинадаги ҳаво температураси целисий бўйича 20 градуса яқин бўлиб, босим симоб столбининг 760 миллиметрга барабардир.

Ҳайвонларнинг аҳолини ҳарактерлайдиган физиологик параметрларнинг телеметрик ўлчовлари ҳақидаги маълумотлар йўлдош-немани

учириш ва орбитага чиқариш вақтида уларнинг аҳоли қонқарлиги бўлганлигини кўрсатди. «Стрелка» лақабли итнинг томир уриши немага учурилишидан олдин 75 марта, нафас олиши 24 марта эди. Йўлдош орбитага чиққан вақтда томир уриши 150 мартага, нафас олиши 240 мартага эди. Немага учгандан кейин бир ярим соат ўтгач томир уриши 72 марта, нафас олиши 12 марта бўлди.

«Белка» лақабли итнинг томир уриши немага учурилишидан олдин 75 марта, нафас олиши 24 марта эди. Йўлдош орбитага чиққан вақтда томир уриши 150 мартага, нафас олиши 240 мартага эди. Немага учгандан кейин бир ярим соат ўтгач томир уриши 72 марта, нафас олиши 12 марта бўлди.

Олинган маълумотлар орбитада учини вақтида оғирлигини йўқотган ҳолатда ҳайвонларнинг физиологик функциялари нормаллашди. Телевизион система орқали ҳайвонларнинг сурати қабул қилинмоқда, булар ҳам физиологик функцияларнинг нормаллашганидан далолат беради. Ҳайвонларнинг овқат еган пайти суратга олинди.

Йўлдош-нема орбитасининг ўлчов маълумотлари асосида аниқланган элементлари куйидагича: айланиш даври — 90,7 минут, перигей баландлиги 306 километр, апогей баландлиги 340 километр, орбитанинг энватор текислигига нисбатан оғиши 64 градус 57 минут.

Йўлдош-немани кузатиш давом этмоқда.

Ўзбекистон Совнархозини 8 ойлик планни бажарди

КПСС Марказий Комитети июль Пленумининг қарорларини амалга ошира бориб ва етти йилликнинг иккинчи йили тошчиқларини муддатидан илгари бажариш учун социалистик мусобақани кенг қизитиб, Ўзбекистон ССР Халқ ҳужжатли кенгаши саноат корхоналарининг коллективлари алий маҳсулот ва кўпчилиги энг муҳим бўйлар ишлаб чиқариш бўйича 8 ойлик планни муддатидан илгари бажардилар. Махсулот ишлаб чиқариш ҳажми ўтти йилнинг худди

шу давридагига нисбатан 15,5 процент кўпайди. Меҳнат унумдорлигини ошириш бўйича берилган тошчиқ 103,6 процент қилиб бажарилди.

Саноат корхоналари коллективлари ой охиригача пландан ташқари халқ ҳужжатли учун бир неча юз миллион сўмлик, шу жумладан кўп миқдорда прокат, электр қуввати, кўмир, нефть, минерал ўнгитлар, пахта териш машиналари, кимё асбоб-ускуналар, кабел бўйлар, цемент, газламалар, пой-афзал ва бошқа махсулотлар ишлаб чиқарадилар.

ТОШКЕНТ РАПОРТ БЕРДИ

Республикани пойтахтидаги саноат корхоналарининг коллективлари етти йиллик тошчиқларини муддатидан илгари бажариш учун мусобақани кенг қизитиб алий маҳсулот ва энг муҳим бўйлар ишлаб чиқариш 8 ойлик тошчиқларини муддатидан илгари — 20 августда бажардилар. Ой охиригача пландан ташқари бир неча юз

миллон сўмлик махсулот ишлаб чиқарилади. Меҳнат унумдорлигини ошириш тошчиқларини 3 процентдан зиёдрок ортири билан бажарилди, ўтган йилнинг худди шу давридагига нисбатан эса 9,3 процент кўпайди. Махсулот ишлаб чиқариш ҳажми 1959 йилнинг шу давридагига нисбатан 13 процент ортди.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбек адабиётини ривожлантиришдаги хизматлари учун ва тутилган кўнига 70 йил тўлиши муносабати билан шонир Ҳабибий (З. Холматов) Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармонида мувофиқ Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланди.

ЧЖЭН ИНЬ-У С. О. АЗИМОВ ҲУЗУРИДА БУЛДИ

Тошкентда меҳмон бўлиб турган Хитой Халқ Республикасининг Совет Иттифоқидagi муваққат ишлар вакили Чжэн Инь-у Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари ва ташқи ишлар министри С. О. Азимов ҳузурида бўлди. (ЎЗТАГ).



СУРАТДА: Тошкент аэропортида Чжэн И ва унинг ҳамроҳларини кутиб олиш пайти.

Г. Пун фотоси. (ЎЗТАГ фотохроникаси).

